2007 йил 17 август, жума № 34 (632)

INSON MANFAATLARI — OLIY QADRIYAT
O'ZBEKISTON «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
KUCH-ADOLATDADIR

# ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган НУТҚИ

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларини қутлаш ва Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиевга самимий меҳмондўстлиги, Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисини яхши ташкил этгани учун миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мен мажлисда иштирок этаётган кузатувчи давлатлар – Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон ва Покистон делегациялари раҳбарларини, саммитимиз меҳмонлари – Афғонистон ва Туркманистон президентларини, шунингдек, БМТ Бош котиби ўринбосари Линн Паскони ҳам қутлайман.

Ўтган олти йил мобайнида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини мустаҳкамлаш борасида улкан сиёсий ва ташкилий ишлар қилинди, унинг асосий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун кўп томонлама ва самарали ҳамжиҳатликни кучайтириш йўлида салмоқли қадамлар қўйилди.

Мен бу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ШҲТнинг хавфсизликнинг минтақавий ва глобал моделини шакллантиришда нуфузли халқаро ташкилот сифатидаги, стратегик муҳим ва улкан минтақа ҳисобланган Евроосиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг ғоят муҳим кафолати сифатидаги тобора ўсиб бораётган ўрни ва аҳамияти тўғрисида билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлайман.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ШҲТ бугун халқаро терроризм, айирмачилик, экстремизм ва тобора авж олиб бораётган наркотик тажовузига қарши курашнинг муҳим марказига айланмоқда.

"Шанхай жараёни" сиёсий-дипломатик соҳада, минтақа давлатларининг бой табиий-энергетика манбалари, инсон ва интеллектуал ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ишончли замин яратди.

Саммит давомида имзоланадиган муҳим ҳужжатлар пакети, биринчи навбатда Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳақиқий шериклик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган кўп томонлама ҳамкорлигимизга янги сифат, янги куч бағишлашига ишончим комил.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу саммит кун тартибига бевосита дахлдор ва, бизнинг фикримизча, долзарб бўлган айрим муаммолар хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Марказий Осиё геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётгани, улкан табиий-иқтисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги туфайли хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турибди.

Бунинг асосий сабабларидан бири - Афғонистонда ҳали ҳануз давом этаётган мураккаб вазиятдир.

Бугунги кунда «Толибон» ҳаракатининг ҳарбий фаоллашуви боис тобора кескинлашиб бораётгани, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикнинг назорат қилиб бўлмас даражада кенгайиб бораётгани оқибатида ушбу мамлакатда юзага келаётган вазият бизни, Афғонистоннинг яқин қўшниларини жиддий ташвиш ва хавотирга солмай иложи йўқ.

Бизнингча, гарчи ғайритабиийрoқ туюлсада, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлини ҳарбийлаштириш ва куч ишлатиш кўламини янада кенгайтиришдан эмас, балки қуролсизланиш ва жаҳон ҳамжамияти ёрдамида лойиҳаларни, биринчи навбатда, ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш, кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолисини қўллаб-қувватлашдан излаш даркор.

Албатта, бу борада Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни қайта тиклашдан амалда манфаатдор бўлган барча кучлар ўртасида муроса ҳамда уларнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатига эришиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

ШҲТ дастурий мақсадларига эришиш ва унинг нуфузини оширишда минтақада коммуникация, ёқилғи-энергетика соҳасида давлатлараро йирик лойиҳаларни амалга ошириш, сув ва бой минерал ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш асосига қурилган иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш асосий устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Қўшма инвестиция лойиҳалари асосида нафақат қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳаларида, балки юқори технологиялар тармоқларида ҳам замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш - аҳоли бандлиги борасидаги жиддий муаммоларни ҳал қилиш, барқарор иқтисодий ривожланиш ва пировард натижада, минтақада ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш имконини берадиган муҳим омилга айланиши мумкин.

Шу муносабат билан Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ, бугунги кунда турли ёндашувларга сабаб бўлаётган, масалаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бу ерда гап минтақа мамлакатларининг сув ресурслари ҳақида эмас, балки фақат трансчегара дарёлар ресурслари ва сув оқимларидан фойдаланиш, яъни ушбу дарёлар ҳавзасида жойлашган давлатларнинг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини асрлар давомида қондириб келган дарёлар ресурслари ҳақида бормоқда.

Мазкур масала бугунги кунда минтақадаги олти давлатда яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг манфаатларига дахлдордир. Шу боис бу дарёлар оқимларидан фойдаланишга доир барча қарорларни қабул қилишда, жумладан гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда ушбу манфаатлар албатта инобатга олиниши даркор.

Акс ҳолда, бу Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида сув таъминоти масаласини янада мураккаблаштириши, қуриб бораётган Орол денгизининг экологик таназзулини тезлаштириши, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг бу ерда яшашини оғирлаштириши мумкин.

БМТнинг 1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияси, БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1997 йил 21 майда қабул қилинган Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция "трансчегара сувлардан оқилона ва адолатли фойдаланиш, бу борада трансчегаравий таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишда уларнинг трансчегара хусусиятини алоҳида ҳисобга олиш зарурлиги"ни кўриб чиқишни талаб қилади.

Зарар етказилган тақдирда бундай зиённи бартараф этиш ёки камайтириш учун барча чоралар кўрилиши, зарурат туғилганда эса, уни қоплаш тўғрисидаги масала қўйилиши лозим.

БМТ қарорларида "ҳудудидан сув оқиб ўтадиган давлатлар суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, ўзаро манфаатдорлик ва ҳалоллик асосида ҳамкорлик қилиши" зарурлиги таъкидланган.

БМТ Конвенцияларининг ушбу асосий талабларидан келиб чиққан ҳолда, трансчегара дарёлар ҳавзасида қуриладиган янги гидротехник иншоотларнинг техник-иқтисодий асослари бетараф халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан муқаррар тарзда холисона текширилиши лозим. Объектларнинг барпо этилиши тузатиб бўлмас экологик оқибатларга олиб келмаслиги, ушбу дарёлар бўйида жойлашган барча давлатларнинг сув оқимидан фойдаланиш бўйича мавжуд балансини бузмаслиги кафолатланиши шарт.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай принципиал позицияга Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия тузилмалари ҳам, уларнинг ўз жавобларига биноан, амал қилади.

Фақат ана шундай холисона ёндашувгина минтақанинг сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаши мумкин.

Бизнинг фикримизча, ШҲТ Бош котибининг ролини янада мустаҳкамлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Негаки, унинг зиммасига ташкилот доирасида қабул қилинган ва қабул қилинадиган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши учун ШҲТ Котибияти ва барча тузилмалари, жумладан МАТТ, Ишбилармонлар кенгаши, Банклараро бирлашма, ШҲТ форуми ишларини самарали мувофиқлаштиришни таъминлашдек ғоят масъулиятли вазифа юкланган.

Авваламбор, айнан ШҲТ Бош котиби ташкилотда ишчанлик муҳитини яратади, таъбир жоиз бўлса, у бутун ташкилотнинг "рупори" бўлиши, тор миллий манфаатлар доирасида чекланиб қолмасдан, ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиши зарур.

Шу боис, кўплаб халқаро ташкилотлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Бош котибни кейинчалик ШҲТга аъзо мамлакатларнинг тажрибали, обрўли дипломатлари ва давлат арбоблари орасидан ротация қилиш шарти билан, 5 йил муддатга тайинлаш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу, бизнингча, ШҲТ ижро органларига ташкилот олдида турган вазифаларни янада тўлиқ ва изчил, ворислик асосида амалга ошириш имконини беради.

Сўзимнинг ниҳоясида мазкур саммит ва унда қабул қилинган қарорлар минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга доир вазифаларни изчил ҳал этишда, ШҲТга аъзо мамлакатларни барқарор ривожлантиришда янги босқични бошлаб беради, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсизлар.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## ШҲТНИНГ БИШКЕК САММИТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15-16 август кунлари Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди**

Саммитнинг асосий воқеаси – Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси Қирғизистон Президентининг «Ала арча» қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Президентлар ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

ШҲТ қисқа даврда нуфузли халқаро ташкилот сифатида шаклланди. Аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хавфсизлик, энергетика, транспорт коммуникациялари соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувларидан ташқари, ташқи ишлар, мудофаа, фавқулодда вазиятлар, ташқи савдо, транспорт, маданият вазирликлари, шунингдек, чегара хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мунтазам мулоқотлари йўлга қўйилган. Пекинда Котибият, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилма фаолият кўрсатмоқда. Ташкилотнинг 2006 йили Шанхайда ўтган юбилей саммитида ШҲТ Ишбилармонлар кенгашининг таъсис мажлиси, Банклараро бирлашмасининг йиғилиши, аъзо мамлакатлар саноатчилари ва тадбиркорларининг форуми бўлиб ўтди. Шу тариқа ШҲТ ўзи қамраган улкан минтақада ва, умуман, дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг, иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантиришнинг, гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришнинг ўзига хос механизмига айланди.

Шу билан бирга, ташкилот аъзолари олдида уч ёвуз кучга, яъни терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, ахборот хавфсизлиги ва энергетик хавфсизликни мустаҳкамлаш сингари долзарб масалалар ҳам турибди. ШҲТ қамраган минтақадаги вазиятни таҳлил қилиб, хавфсизликка таҳдид аввало Афғонистондан чиқаётганини айтиш мумкин. У ерда террорчи ва экстремистик гуруҳлар фаолиятига ҳали тўла чек қўйилгани йўқ, уларнинг асосий молиявий таянчи бўлган наркотик моддалар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу хусусда ташкилот ҳузурида 2005 йилнинг ноябрида тузилган «ШҲТ-Афғонистон» мулоқот гуруҳи муҳим аҳамият касб этади. У Афғонистонни тиклаш ишларига ШҲТнинг эътибор ва ресурсларини кўпроқ жалб этиш орқали ушбу мамлакат барқарорлигига хизмат қилиши мумкин. Масалан, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаларидаги салоҳиятни ишга солишнинг ўзидаёқ яхши натижалар кўзга ташланади. Бу орқали Афғонистоннинг шимолий, ғарбий ва марказий вилоятлари билан ШҲТ мамлакатлари ўртасида муайян интеграция жараёнларини қарор топтириш мумкин. Бу орқали ШҲТнинг жанубий сарҳадларидан Форс кўрфази портларига янги яқин ва қулай коммуникация тармоқларини очиш имконияти ҳам яратилган бўлур эди. Президентлар "ШҲТ-Афғонистон" мулоқот гуруҳини фаоллаштиришга, келаси йилнинг баҳорида Афғонистонни тиклаш масалаларига бағишланган иқтисодий конференция ўтказишга келишиб олдилар.

Президентлар ШҲТнинг халқаро ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантириш масаласи юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Айни пайтда ШҲТ билан МДҲ, АСЕАН ва ЕврАзЭС ўртасида англашув меморандумлари имзоланган. Бу сафни кенгайтириш билан ШҲТнинг ҳамкорлари сони оширилади ва унинг сарҳадларида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

(Давоми 2-бетда)

14-15 август кунлари Тошкентда ва Самарқандда ўтган халқаро илмий-амалий конференция

## ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ВА ҚАДРИЯТЛАР ҚАДРИ

ривожида қўйилган янги қадам бўлди



Кундалик газеталарнинг кейинги икки-уч сони ўқиган, TV кўрсатувларини кузатган бўлсангиз, хабарингиз бор, 14-15 август кунлари мамлакатимиз пойтахти – Тошкентда, сўнгра Самарқандда "Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унга мусулмон дунёсининг таниқли намоёндалари – атоқли уламолар, диншунос олимлар, дин ва жамоат арбоблари ташриф буюрдилар.

Аввало, савол туғилади, конференциянинг Ўзбекистонда ўтказилишига нима туртки бўлди? Маълумингизки, республикамиз маркази – Тошкент Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Шу муносабат билан конференция 14 август куни Тошкентда бошланиб, 15 августда Самарқандда давом этди. Бир кун олдин – 13 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғлини қабул қилди.

Акмалуддин Эҳсон ўғли нафақат мазкур нуфузли халқаро ташкилот раҳбари, балки ислом дунёсининг бирдамлигини мустаҳкамлаш ва уни тараққий эттиришга улкан ҳисса қўшиб келаётган етук сиёсатчи. Жумладан, у раҳбар бўлган ИКТ Юртбошимизнинг афғон инқирозига барҳам бериш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусларини доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганиш, тинчлик ва осойишталик ҳамда аҳилликни сақлашга эришиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларни юксак баҳолаб, мамлакатимиз Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида танийди.

Ўзбекистон ИКТга 1996 йилдан буён аъзо. Унинг тузилмаси ҳисобланган Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз йил сайин жадал ривожланиб бораяпти. Бугунги кунда 115 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги 9 та лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилаётганлигининг ўзиёқ ана шу ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Бу лойиҳалар тиббиёт ва таълим муассасаларини жиҳозлашга, корхоналарни модернизациялашга ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, уларнинг қамров доираси тобора кенгайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

### «ВАТАН КЕЛАЖАГИ – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА»

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами арафасида "Ватан келажаги – менинг тақдиримда" деб номланган тадбирлар ўтказилди. Уларда асосий эътибор юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари, янгиланиш ва ўзгаришларда, она Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш каби эзгу ишларда "Адолат" СДПнинг иштирокига қаратилди.

– Мустақиллик аждодларимизнинг асрий орзу-умидлари бўлиб келган, уни асраш биз, авлодларнинг муқаддас бурчи саналади, – дейди "Адолат" СДП вилоят Кенгаши хотин-қизлар кенгаши аъзоси Фароғат Омонова. – Олдимизга қўйилган энг катта вазифалардан бири фарзандларимизни юртга садоқат руҳида тарбиялаш, келгусида билимли, маърифатли инсонлар қилиб вояга етказишдан иборат.

Тадбирлар давомида бир қатор маҳалла фаоллари, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларига эсдалик совғалари топширилди. Партия аъзолари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олиб, байрам совғалари улашдилар.

**И.ҚУРБОНОВ**

*Партия кўзгуси*

## ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ ҚУВОНЧ УЛАШДИ

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номли Маданият ва истироҳат боғида "Бу — байрам барчамизники, бутун халқимизники" мавзусида тадбир ўтказилди**

Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жойларда уюшқоқлик билан байрамолди тадбирлари ўтказилмоқда. Юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдирадиган энг азиз, энг улуғ байрамимизнинг зўр шодлик билан тантана қилиниши халқимизнинг азалий орзулари чин маънода рўёбга чиққанининг исботидир. Зеро, истиқлолимиз учун миллатпарвар, ватанпарвар боболаримиз ўз ҳаётларини бахшида этганлар. Дарҳақиқат, бундай тантаналарнинг ўтказилиши аждодларимизнинг руҳини шод этади, юртдошларимиз қалбига Ватан ва эркинлик қадрини жойлайди.

Мустақиллик йиллари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилган ислоҳотлар сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини ҳуқуқий кафолатлаб, уларнинг жамиятдаги ролини янада оширди. Айнан истиқлол шарофати билан ташкил топган партиялар юртимизнинг бу қутлуғ тўйини катта шодиёналар билан нишонламоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Мустақилликнинг 16 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номли Маданият ва истироҳат боғида партия фаоллари, хайрихоҳлари ва кенг жамоатчилик иштирокида "Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!" мавзусида тадбир ўтказилди.

– Тадбирни ташкил этишимиздан мақсад юртдошларимиз қалбига мустақиллик тантаналари шукуҳини олиб кириш, буюк неъмат – Истиқлол қадр-қимматини яна бир бор англатишдир, – дейди «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи котиби Малоҳат Ортиқова. –



Икки йилдан буён ўтказиб келинаётган бундай тадбирларда биз кўргазмалар ҳам ташкил этаяпмиз. Кўргазмаларда айнан истиқлол йилларида тадбиркорликни бошлаган юртдошларимизнинг эришган ютуқлари намойиш этилади. Тадбирга ташриф буюрганлар, албатта, кўргазмадаги буюмларни томоша қиладилар ва айни пайтда, бу тадбир ўз бизнес фаолиятларини бошлаши учун юртдошларимизга бир туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин.

(Давоми 2-бетда)

